

Кураш – Жаҳон спортчилари баҳсига айланган спорт тури.

к.ўқ Тўраев. П. ўқ. Салимов. Ў.

Дунёда миллий спорт турлари кўп. Аммо уларнинг оммалашиши учун бир неча ўн йиллар керак бўлган. Мустақиллик шарофати билан юртимизда азалий қадриятларимизни тиклаш ва уларни дунё узра кенг ёйишдек эзгу мақсад ҳам бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Хусусан, миллий спорт тури – курашни кенг оммалаштириш мақсадида истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Шахрисабзда Амир Темур, Термиз шаҳрида Ал-Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишлаб халқаро турнирлар ташкил этилди. Шундан кейин Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон, АҚШ, Россия каби мамлакатларда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши кенг намоёни қилинди. Натижада жаҳон ҳамжамияти 1998 йил 6 сентябр куни ўзбек курашини халқаро спорт тури сифатида расман эътироф этди. Осиё, Европа ва Америка қитъасининг 28 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган таъсис конгрессида Кураш халқаро ассоциациясига (КХА) асос солинди.

Давлатимиз раҳбарининг 1999 йилдаги “Кураш” халқаро ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармони миллий курашни янада ривожлантиришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўша йили пойтахтимизда кураш бўйича 1-жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда сайёрамизнинг элликка яқин давлатидан келган полвонлар ғолиблик учун беллашишди. Уч вазн тоифасида ўтган баҳсларда ҳамюртларимиздан Ақобир Қурбонов, Камол Муродов ва Тоштемир Муҳаммадиев жаҳон чемпиони декан юксак шарафга сазовор бўлишди. Шундан сўнг ўзбек миллий кураши бўйича жаҳон чемпионатларига Анталия, Будапешт, Ереван, Улан-Батор ва Алушта шаҳарлари мезбонлик қилди. Шунингдек, Буюк Британия, Грецияда кураш бўйича Ислом Каримов соврини учун халқаро турнирлар ўтказиб келинмоқда.

Бу ўзбек курашининг жаҳон миқёсида жадал суръатлар билан оммалашиб бораётганидан далолатдир.

Шу билан бирга, “Кураш” халқаро ассоциацияси томонидан ушбу спорт турини жаҳоннинг беш қитъасида кенг оммалаштириш, шу орқали миллий қадрият ва урф-одатларимизни тарғиб қилишга алоҳида аҳамият берилди.

Бугун сайёрамизнинг беш қитъасида кураш конфедерациялари фаолият олиб бормокда, 130 дан ортиқ мамлакатда кураш федерациялари ишлаб турибди. Ҳозир дунёнинг исталган мамлакатига борсангиз, спорт залларида эғнига ўзбек миллий кураш кийимини кийган полвонлар қўлини кўксига қўйган ҳолда таъзим билан гиламга чиқаётганига ёки жаҳон ареналарида “ҳалол”, “чала”, “ёнбош”, “ғирром”, “дакка” каби соф ўзбекча сўзлар жаранглаётганига гувоҳ бўласиз. Айниқса, Халқаро олимпия қўмитаси президенти Жак Роггенинг “Халқаро олимпия қўмитаси эшиклари кураш каби ажойиб спорт тури учун ҳар доим очик” дегани ушбу миллий спорт турига берилган энг муносиб баҳодир. Шубҳасиз, бу Мустақил Ўзбекистонимизнинг тарихий ютуғи ҳамдир.

Миллатимиз номи билан жаҳон спортига айланган кураш бугун дунёнинг 100 дан зиёд мамлакатларида жадал ривожлангани Ватанимизнинг шону – шавкатига дахлдорман деган кишиларни ғурурлантормокда. Хўш, Ўзбек спорти курашда қандай сир – синоат борки, бугун жаҳон спорти оиласининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди?

Албатта, азалий қадриятимиз бўлган курашнинг халқаро майдонда обрў-эътибор қозониши, Осиё, Африка, Панамерика спорт ўйинлари доирасига кўтарилиши, Олимпиада спорт оиласига қўшилиши борасида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган натижаларнинг бош омили – Ватанимизнинг мустақилликга эришишидир. Бирон – бир спорт турини халқаро майдонда ривожлантириш, уни Осиё ва Олимпия ўйинлари сафидан жой эгаллашида амалга оширилаётган ишларнинг қўламига назар ташлаб, фахр туясан киши.

Бугун ифтихор билан айтиш мумкинки, ота-боболаримизнинг асрий орзуси рўёбга чиқди, азалий кадриятларимиз бутун бўй-бастини дунёга намойиш этмоқда. Хусусан, кураш ўз ҳалоллиги ва инсонпарварлик тамойиллари билан умумбашариятнинг нодир мулкига айланди. 2007 йили Франциянинг Хендай шахрида бўлиб ўтган “Ўзбекистон Президенти Гран-при” 1-халқаро турнири курашнинг халқаро майдонда обрўси ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Манбаларнинг далолат беришича, кураш тахминан 3500 йилдан зиёд тарихга эга. У асрлар давомида ўзбек халқининг энг оммавий ва сеvimли миллий ўйинлари каторида эъзозлаб келинган. Аммо у даврларда кураш фақатгина анъанавий маросим ва байрамларда миллий ўйин шаклида мавжуд бўлиб, муайян спорт тури сифатида эътироф этилмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Президентимиз Ислон Каримовнинг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида курашни спорт турига айлантириш ва халқаро майдонда ривожлантириш имконияти пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасига биноан дунё талабларига тўла жавоб берадиган курашнинг халқаро спорт қонун-қоидалари ишлаб чиқилди. Унинг кийими, вазн тоифалари, мусобақаларни ташкил этиш тизими яратилди. Халқаро майдонда жаҳон спорт жамоатчилиги томонидан кураш қонун-қоидалари тан олинди.

1998 йили Тошкентда Европа, Осиё, Африка ва Америка қитъасининг 28 давлатидан келган вакиллар иштирокида таъсис конгресси ўтказилди ва халқаро спорт ташкилоти – “Кураш” халқаро ассоциацияси (ИКА) ташкил этилди. Ассоциация Низоми ва курашнинг халқаро қоидаси тасдиқланди, бошқарув органи сайланди. Юртбошимиз (ИКА) ХКАнинг фахрий Президенти этиб сайланди. Ассоциация тизими ишлаб чиқилиб, у жаҳоннинг ҳамма қитъаларида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. ИКА Низомига асосан ассоциация ёки конфедерация Президенти қайси давлатдан сайланса, унинг бош қароргоҳи ўша мамлакатда жойлашади. Шунга кўра, ИКА штаб квартираси Ўзбекистон пойтахти Тошкентда,

Панамерика кураш конфедерацияси Боливиянинг Ла-Пас шаҳрида, Европа кураш конфедерацияси Туркиянинг Истанбул шаҳрида, Осиё кураш конфедерацияси Эроннинг Техрон шаҳрида, Африка кураш конфедерацияси Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида, Океания кураш конфедерацияси Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида жойлашган.

Бугунги кунда жаҳоннинг 117 та мамлакатида кураш федерациялари фаолияти йўлга қўйилган.

Шу кунгача ўн мартадан кўп “Кураш” халқаро ассоциацияси ИКА-нинг Конгресси турли давлатларда ўтказилган ва ҳар йили камида икки марта Ижрокўм йиғилиши ташкил этилади. Уларда курашни ривожлантириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинади. Шунингдек, (ИКА) томонидан катталар ўртасида саккиз бор жаҳон чемпионати муваффақиятли ўтказилди. Ушбу чемпионатларга Ўзбекистон, Туркия, Венгрия, Арманистон, Мўғулистон ва Украина давлатлари мезбонлик қилган. 2000-2010 йилларда эса ёшлар ўртасида олти бор жаҳон чемпионати ташкил этилди. Фахрийлар ўртасида ҳам икки бор жаҳон чемпионати муваффақиятли якун топди. Панамерика, Осиё, Европа, Африка ва Океанияда қитъа чемпионатлари ҳар йили мунтазам равишда ташкил этилмоқда.

Айни пайтда Буюк Британия, Афғонистон, Греция, Туркия, Эрон, Украина, Россия, Франция, Жанубий Африка Республикаси, Боливия каби дунёнинг ыир неча мамлакатларида 300 дан зиёд турли даражадаги халқаро турнирлар ташкил этилди. 2001 йилдан Тошкентда “Кураш” халқаро институти ҳамда академияси фаолият олиб бормоқда. Бу ерда мураббий ва хакамлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, курашнинг илмий-назарий асосларини яратиш бўйича ишлар қилинаяпти.

Курашни келажакда ёзги Олимпиада ўйинлари дастурига киритиш бўйича Халқаро олимпия кўмитаси раҳбарлари, жумладан, ХОҚ президенти Жак Рогге ва бир қатор ХОҚ ижрокўми аъзолари билан музокара олиб борилаяпти. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Миллий

Олимпия Қўмитаси шафелигида 2005 йили Лозанна шаҳридаги Олимпия музейида 1 – йиллик кураш кўргазмаси ўтказилди. Унинг жаҳондаги нуфузини янада ошириш мақсадида 2002 йил ассоциациясининг ушбу нуфузли Ордени билан Ўзбекистон Республикаси Президенти, “Кураш” халқаро ассоциацияси фахрий Президенти Ислон Каримов, Ҳиндистон Миллий конгресси партияси етакчиси Сония Ганди, Халқаро олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге, Осиё Олимпия кенгаши президенти, ХОҚ аъзоси Шайх Ахмад Ал-Фаҳад Ас-Сабах, Бутунжаҳон Олимпия қўмиталари ассоциацияси президенти, Панамерика Олимпия қўмитаси президенти, ХОҚ ижроқўми аъзоси Марио Вазкес Ранья, Европа Олимпия қўмиталари ассоциацияси президенти, ХОҚ аъзоси Патрик Хиқи, Африка Миллий Олимпия қўмиталари ассоциацияси президенти, ХОҚ аъзоси Лозанна Паленфолар тақдирланган.

2011 йилнинг 14 июли: бу сана Ўзбек спорти – курашнинг Олимпия ўйинлари дастурига кириши йўли ташлаган яна бир дадил қадами сифатида тарих саҳифасидан ўрин эгаллади. Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгашининг юбилей XXX Бош Ассамблеясида “Кураш” халқаро ассоциацияси раҳбарияти ҳам иштирок этди ва миллий спорт тури 2013 йили Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ёпиқ спорт иншоотларида ва жанговар санъат турлари бўйича ташкил этилган IV Осиё ўйинлари дастуридан ўрин эгаллагани расман эълон қилинди.

Бу тарихий воқеалик ўз навбатида халқаро спорт жамоатчилиги томонидан кўп миллатли Ўзбекистон давлатининг катта ютуғи сифатида эътироф этилмоқда. Бошқача айтганда, азалий қадриятимиз – курашнинг нуфузли спорт ўйини тизимига киритилиши жонажон Ватанимиз истиқлолининг катта ютуғидир.